

УЎТ 636.933.2.338.1

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ  
БАҲОЛАШ**

**Тангиров Абдухолик Эгамович** – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,  
e-mail: [tangirov57@bk.ru](mailto:tangirov57@bk.ru)  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд ш., Ўзбекистон

***Аннотация.** мақолада “Ўзғомойсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари иқтисодий фаолияти таҳлил қилинган, бошқарув ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда корпоратив бошқарув органлари фаолиятини баҳолаш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.*

***Калим сўзлар:** устав капитали, давлат улуши, мулк, мулк шакли, кадрлар малакаси, модернизациялаш, инвестиция, самарадорлик, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи.*

***Abstract.** the article analyzes the economic activities of joint-stock companies that are part of the Uzyogmoysanoat association, develops proposals for the training, retraining and advanced training of managerial personnel, as well as assessing the activities of corporate governance bodies.*

***Key words:** authorized capital, state share, property, form of ownership, personnel qualification, modernization, investment, efficiency, general meeting of shareholders, supervisory board, executive body.*

**Кириш.** Жаҳон тажрибасида акциядорлик жамиятлари (АЖ) ривожланишига инвестициялар киритиш асосан, улардаги корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлик даражасига боғлиқ бўлмоқда. Германиянинг “Дойче Банк” тадқиқотида кўра самарали корпоратив бошқарувига эга компанияларда бошқарув амалиёти сустрлашиб бораётган компанияларга нисбатан ривожланиш даражаси икки йил мобайнида қарийб 19 фоизга ошган [2], шунингдек, ABN AMRO банкининг Бразилия компанияларида ўтказган тадқиқотларида корпоратив бошқарув тизими юқори бўлган компанияларда ROE (ўз капитал рентабеллиги) 45 фоизга, соф фойда 76 фоизга кўп эканлиги қайд этилади [3]. Ушбу жиҳатларни эътиборга олганда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш биринчи навбатда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолияти натижаларини баҳолаш муаммоси ечилишига бевосита боғлиқ.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ўрганилган адабиётларда корпорацияларни бошқаришда стратегияни танлаш ва корхона менежментини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни бошқариш, корпоратив бошқарув жараёнларини илмий-назарий асосларини яратиш, мулк шакллари трансформацияси, корпоратив бошқариш моделларини мукамаллаштириш, акциядорлик корхоналарни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив тузилмаларни бошқаришни ривожлантиришнинг илмий методологик жиҳатлари, интеграцион корпоратив тузилмалар ва таъсисчилар капиталида давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммолари, фонд бозорини ривожланиши, акциядорлик жамиятларида кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти масалалари ёритиб берилган [1,2,3,4,5,6].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар корпоратив бошқарув тизимини ва унинг бошқарув органлари фаолиятини баҳолаш механизмининг тубдан такомиллаштиришга ва акциядорлик жамиятларининг барқарор ривожланишига имконини беради.

**Таҳлил ва натижалар.** Инвестиция бўйича қарорларни қабул қилишда инвестиция киритилиши мўлжалланган компанияларда корпоратив бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, унинг самарадорлиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга монанд тарзда, акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятини натижаларини баҳолаш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Аммо таъкидланган вазифалари амалда бажариш ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бир қатор омилларга боғлиқлиги ҳисобга олиш зарур. Масалан, кейинги йилларда 364 ночор акциядорлик жамиятилари тугатилди ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилди, йирик миқдорда инвестициялар жалб этилишига қарамасдан олдинги йилларда фойда билан ишлаётган бир қатор акциядорлик жамиятлари эндиликда эса катта миқдордаги зарар билан йилни якунламоқда, ёғ-мой саноати томонидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол товарлари ҳамда кунжара ва шелуха маҳсулотлари нархлари бир неча мартага ошиб кетди ва кўтарилиш давом этмоқда, бошқарув ходимлар касбий малакалари кескин пасайиши кузатилмоқда.

“Ўзёғмойсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари хусусан “Каттақўрғон ёғ-мой” акциядорлик жамияти фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, 2013-2016 йилларда корхонани модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, ишлаб турган цехларни реконструкция қилиш учун 2 млрд. 376 млн. 200,0 минг сўм, 4 млн. 472 минг доллар, 186300 евро маблағ сарфланган ва пахта тозалаш заводларидан техник чигитларни ташиб келтириш учун 15 дона КАМАЗ русумли автомашиналар ва 15 дона тиркамалар сотиб олинган.

Йирик миқдордаги маблағ ҳисобига амалга оширилган модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, реконструкциялашдан кейинги дастлабки йилларда “Каттақўрғон ёғ-мой” акциядорлик жамиятида маҳсулот сотиш миқдорининг бирмунча кўпайиши, маҳсулот таннархини пасайиши ва соф фойда миқдори кўпайиши кузатилган бўлсада, охириги икки йилда корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлаган.

2021 йилда асосий воситалар қиймати 2018 йилга нисбатан 32,4 фоизга кўпайганлигига қарамасдан сотилган маҳсулотлар қиймати 48081046,9 млн. сўмга камайган, ишлаб чиқариш харажатлари эса аксинча 8428936,3 млн. сўмга ёки 10,2 фоизга кўпайган (1-жадвал). Натижада 1000 сўмлик сотилган маҳсулот таннархи 472,2 сўмга ёки 74,6 фоизга ошган. “Каттақўрғон ёғ-мой” акциядорлик жамиятининг кейинги тўрт йиллик иқтисодий фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, 2018 йилда сотилган маҳсулотлар 130415359,9 млн. сўмни ташкил этган, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 82334313 млн. сўмгача ёки 36,9 фоизга камайган. Соф фойда 2018 йилда 22464486,9 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилни акциядорлик жамияти 18632492 млн. сўм зарар билан якунлаган. Ушбу даврда дебиторлик қарзлари 7337665 млн. сўмдан 809536 млн. сўмгача камайган бўлсада, муддати ўтганлари 272213 млн. сўмгача ошган, кредиторлик қарзлари 3453051 млн. сўмдан 1444999 сўмгача ёки деярли 2,5 мартага камайган. Натижада тўлов қобилияти коэффиценти 2,30 дан 0,05 гача, мутлоқ ликвидлик коэффиценти 0,90 дан 0,21 гача, тезкор ликвидлик коэффиценти 3,20 дан 0,26 гача, жорий ликвидлик коэффиценти 1,09дан 0,69гача, корхона молия-хўжалик фаолияти рентабеллиги коэффиценти 0,25 дан -0,11 гача, активлар рентабеллиги коэффиценти 0,31 дан -0,25 гача пасайганлиги сабабли акциядорлик жамияти тўлов қобилиятини йўқотган ва фаолиятидан зарар кўрувчи ночор хўжалик юритувчи субъектга айланган.

Келтирилган таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар кутилган натижани бермаган. Бунинг сабаблари ёғ-мой саноати корхоналари хом-ашё базасининг заифлиги, кадрларнинг малакаси ва тажрибасининг етишмаслиги, корхона иқтисодий фаолиятининг чекланганлиги, маҳаллий давлат органларининг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувлари, энг муҳими акциядорлик жамиятини бошқаришда давлатнинг бевосита иштироки ва бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулида амалга оширилишидир.

1-жадвал

**“Каттақўрғон ёғ-мой” акциядорлик жамиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2018	2019	2020	2021
Сотилган маҳсулотлар	130415359,9	188475759,9	166139672	82334313
Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи	82590669,7	167693812,7	170609201	91019606
1000 сўмлик сотилган маҳсулот таннархи, сўм	633,3	889,7	1026,9	1105,5
Солиқ тўлангунгача бўлган фойда (Ялпи даромад)	26558178,7	2543398,9	-20457731	-18632492
Соф фойда	22464486,9	1917742,5	-20457731	-18632492
Асосий воситалар	40426464	42941335	54333785	53539492
Дебиторлик қарзлари	7337665	15266768	8312912	809536
Кечиктирилган дебиторлик қарзлари	0	0	263152	272213
Кредиторлик қарзлари	3453051	1256586	1396901	1444999
Кечиктирилган кредиторлик қарзлари	0	0	0	0
Тўлов қобилияти коэффиценти	2,30	1,39	0,72	0,05
Ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти	-0,14	0,10	0,27	0,23
Мутлоқ ликвидлик коэффиценти	0,90	0,04	0,06	0,21
Тезкор ликвидлик коэффиценти	3,20	1,42	0,78	0,26
Жорий ликвидлик коэффиценти	1,09	1,81	1,17	0,69
Корхона молия-хўжалик фаолияти рентабеллиги коэффиценти	0,25	0,01	-0,11	-0,18
Активлар рентабеллиги коэффиценти	0,31	0,03	-0,25	-0,47

<sup>1</sup>“Каттақўрғон ёғ-мой” АЖ молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Демак, акциядорлик жамияти молиявий ҳолатини тубдан яхшилаш, уни инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш вазибаларини ҳал этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлатнинг иштироки ҳамда уларда самарали мулк эгаларини шакллантириш масалаларини долзарб қилиб қўяди. Шунга ўхшаш ҳолатларини “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи бошқа саноат корхоналарида ҳам кузатиш мумкин.

1995 йил “Каттақўрғон ёғ-мой” давлат корхонаси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Иқтисодий ислохатларнинг кейинги босқичларида акциядорлик жамияти устав капитали давлат манфаатларига устворлик берган ҳолда оширилди. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29 сонли қарорига асосан “Каттақўрғон ёғ-мой” ОХЖ даги 25 фоиз давлат улуши Давлат тендер комиссияси орқали сотилди. Аммо, давлат улуши бўлмаган акциядорлик жамияти устав фондида турли важдари билан давлат улуши киритилган ва 64,9 фоизга чиқарилган ҳамда кўп йил тажрибада ўзни оқламаган давлат бошқаруви яъни бошқарувнинг маъмурий-буйриқбозлик усули қайтадан шакллантирилган.

Шу сабабли акциядорлик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини сотиш йўли билан эркин иқтисодий фаолият юритадиган хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш ва уларнинг самарали бошқарилувини шакллантириш мақсадида корпоратив бошқарув органлари фаолияти натижаларини баҳолаш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ҳамда малакасини узлуксиз ошириш тизими яратилиши лозим.

Кузатув кенгаши ва ижроия органининг акциядорлик жамиятини самарали бошқариш ва назорат қилиш борасидаги қобилияти, зарур малака, тажриба ва иқтидорга эга бўлиши самарали корпоратив бошқарувнинг бирламчи тамойили ҳисобланади.

Мавжуд бошқарув ходимлари малакалари пастлиги мамлакатимизда кадрлар муаммосини янада мураккаблаштироқда ва корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга йўл бермаяпти.

“Ўзпахтаёғ” АЖ таркибидаги 23 корхонанинг 21 тасида аттестациядан ўтишга жами 468 нафар раҳбар ходим ва инженер-техник ходимлар киритилган. Шундан 52 нафари 11,1% суҳбатдан ўтказилган. Аммо натижалар унчалик юқори бўлмаган. Натижаларга кўра, 233 нафар (56%) ҳақиқатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилган, 183 нафар (44%) эса эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас деб топилган.

Айниқса, «Косон ёғ экстракт» АЖ 100%, «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ 75%, «Евроснар» МЧЖ 69%, «Янгийўл ёғ-мой» АЖ 63% ва бошқа корхоналарнинг аксарият раҳбар ва инженер-техник ходимлари ўз лавозимига номуносиб деб баҳоланган [1].

Демак, корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги ошириш биринчи навбатда корпоратив бошқарув илмини мукамал эгаллаган юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш ва муносиб баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш лозим.

Акциядорлик жамияти ва унинг бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ўз навбатида натижаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги илмий ишларни ва тажрибаларни умумлаштириб, ишлаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлар (маҳсулот ишлаб чиқариш (турлари бўйича), ишлаб чиқариш харажатлари, товар маҳсулоти (турлари бўйича), товар маҳсулоти қиймати, тўланган дивидент салмоғи, %, рентабеллик, даромадлилик, айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги, асосий воситалар ва моддий манбалардан фойдаланиш самарадорлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари, МҲХС (молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) асосидаги кўрсаткичлар (жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE - Return on Capital Employed), акциядорлар капитали рентабеллиги (ROE - Return On Equity), акциядорлар сармоялари (TSR - Total Shareholders Return) рентабеллиги)дан фойдаланишни таклиф қиламиз. Бу кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиб, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, ижро органи фаолияти натижаларини баҳолаш мумкин. Бунинг учун акциядорлар умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган бизнес-режа асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ. Режалаштирилган кўрсаткичлар бажарилса, бошқарув органлари фаолиятини ижобий, ақс ҳолда салбий баҳолаш лозим ва улар билан тузилган шартномаларини бекор қилиш масаласини навбатдаги ёки навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш механизминини жорий этиш керак. Агарда ҳисобот давр (чораклик ва йиллик)ларида кўрсаткичлар бизнес-режага нисбатан ошириб бажарилса, олинган соф фойданинг 15 фоизини бошқарув ходимларини моддий рағбатлатиришга ишлатиш, ақс ҳолда келтирилган зарарни улардан тўлиқ ундириб олиш ва келтирилган

зарарнинг 15 фоизи миқдорда жарима солиниши ва ундириб олиш тартибини киритиш лозим. Ушбу механизмнинг норматив-меъёрий ҳужжатларга хусусан қонун, жамияти устави ва меҳнат шартномасига киритилиши ва амалда жорий этилиши бошқарув органлари ва уларнинг ходимлари моддий манфаатдорлиги ва жавобгарлигини кучайтиришга, оқибатда эса акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

**Хулоса ва таклифлар.** “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятлари ходимлар аттестацияси натижаларга кўра, 233 нафар (56%) ҳақиқатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилган, 183 нафар (44%) эса эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас деб топилган.

Устав капиталидаги давлат улушини сотиш ва акциядорлик жамиятларини иқтисодий эркин фаолият юритадиган хўжалик субъектларига айлантириш.

Давлат улушини сотишдан келиб тушган маблағларни акциядорлик жамиятлари иқтисодий фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқан ҳолда ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга сарфлаш.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мўлжалланган таълимнинг ихтисослашган махсус инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги илмий ишларни ва тажрибаларни умумлаштириб, ишлаб чиқилган кўрсаткичлардан акциядорлик жамияти бошқарув органлари фаолиятини баҳолашда фойдаланишни тавсия қиламиз.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичлар бажарилса бошқарув органлари фаолиятини ижобий, акс ҳолда салбий баҳолаш лозим ва улар билан тузилган шартномаларини бекор қилиш масаласини навбатдаги ёки навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш механизминини жорий этиш.

Агарда ҳисобот даври(чораклик ва йиллик)ларида кўрсаткичлар бизнес-режага нисбатан ошириб бажарилса, олинган соф фойданинг 15 фоизини бошқарув ходимларини моддий рағбатлантиришга ишлатиш, акс ҳолда келтирилган зарарни улардан тўлиқ ундириб олиш ва келтирилган зарарнинг 15 фоизи миқдорида жарима солиниши ва ундириб олиш тартибини жорий этиш ва норматив-меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилиш.

### Адабиётлар

1. Азларова Д.А. Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020, 576.
2. Grandmont, Renato; Grant Gavin; and Silva, Flavia. “Beyond the Numbers-Corporate Governance: Implications for Investors”. Deutsche Bank.
3. Erbiste, Bruno. “Corporate Governance in Brazil: Is There a Link Between Corporate Governance and Financial Performance in the Brazilian Market? ABN AMRO Asset Management.
4. Иванова Е. А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление. «Ростов н/Д.: Феникс», 2007.
4. Курбонов Х.А. Корпоративные финансы. Т.: «Консаудитин-форм». 2007 й.
5. Суюнов Д., Хошимов Э. А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил 2/2018 (№ 00034) [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz).
6. Tangirov A. E. Factors to increase competitiveness of desert pasture livestock British View ISSN 2041-3963 Volume 7 Issue 1 2022 DOI 10.5281/zenodo.6777984 Universal impact factor 8.528 SJIF 2022: 4.629. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6766959>.
7. Tangirov A. E. Disparitation of prices and its solution International journal of trends in business administration ISSN: 2349-4212 2022 year Volume 12, Issue 1 Universal impact factor 7.828 <http://academicjournalonline.org/index.php/ijtba>.